



ПАРЛАМЕНТДА



ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАДАН
БОШЛАНАДИ

парламент қўйи палатасида
навбатдаги ялпи мажлис

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари навбатдаги ялпи мажлисга йиғилишди. Унда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди ва муҳим қонун

лойиҳалари муҳокама қилинди. Депутатлар қонунларнинг амалиётга таъсири, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва жамиятдаги долзарб муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

► (Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ

ҲАЁТИНИ УЛУҒ ИШГА
БАҒИШЛАГАНЛАР



Мамлакатимизда 1997 йилдан буён “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни” умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Чунки устозлар ота-онамиз каби меҳрибон ва ғамхўр инсонлардир. Шу сабабли улар ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар ҳисобланади.

► (Давоми 3-бетда)

СИЁСИЙ ПУЛЬС

ТАЪЛИМ – ЯГОНА
НАЖОТ ЙЎЛИ

Мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий силсилалар фонида шундай даврлар кузатилдики, узлуксиз ўқитиш тизими, хусусан, мактаб таълимида жиддий камчиликлар, муаммолар, бўшлиқлар ярқ этиб кўзга ташлана бошланди. Бунинг асорати ўлароқ ўн йиллар давомида кўп нарсани бой бердик. Жамоатчилигимизнинг айрим фаоллари ўша даврда “...бўтун бир авлодни йўқотдик”, деган хулосани берадилар. Айни фикр қанчалик тарази палласини босади, бу энди бошқа масала! Ҳақиқат шуки, ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида камолга етиши ва жаҳон меҳнат бозорига “гастарбайтер” эмас, балки рақобатдош кадрлар сифатида кириб боришида оқсоқликларга дуч келинди. Энг таассуфлиси, жамиятда ўқитувчи-педагогларнинг нуфузи пастлаб кетди.

► (Давоми 3-бетда)

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Миллат тарихи ва маданиятига чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни мана шу қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ва жамият тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутди.

Шарқ Уйғониш даврида кўҳна заминимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Улар томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий ғоя ва кашфиётлар бани башар цивилизациясида кескин бурилиш ясаган. Бундай беназир мероснинг тарихий ва замонавий аҳамиятини ўрганиш авлодлар олдидаги долзарб вазифа саналади.

БУЮК, ҚАДИМИЙ ВА
НАВҚИРОН ВАТАН ТИМСОЛИ



► (Давоми 6-бетда)

СУҲБАТ

ОЧИҚЧАСИГА
ГАПЛАШАМИЗ

Ҳар бир ҳудуднинг фақат ўзигагина хос руҳи бўлади. Наманган бу табиат билан инсон қўли уйғунлашган замин, меҳнат ва маърифатдан юксалган инсонларга бешик бўлган гўша. Бағрикенг одамлар, серкўёш дала-боғлар, ҳар қадамда меҳр ва одоб сезиладиган жойдир.

► (Давоми 4-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ҳозирги кунда кўпчилик вақтининг катта қисмини телефон, компьютер ёки планшет қаршисида ўтказишди. Булар орқали биз мулоқот қиламиз, ўрганимиз ва ҳаттоки ишлаймиз. Тўғри, улар ҳаётимизни анча осонлаштирди. Аммо бу қулайликлар ортида катта бир хавф ҳам бор. Бу рақамли қарамликдир. Энг ёмони, бундай одат инсоннинг соғлиги ва ҳаёт тарзига таъсир қилмасдан қолмайди.

Рақамли тобелик интернет, ижтимоий тармоқлар ёки онлайн ўйинларга меъёридан ортиқ боғланиб қолишдир. Бундай қарамлик белгилари сифатида аввало, инсонда парижонхотирлик кузатилади. Бу телефонига соатлаб тикилиш, жамоатчилик ичида ўзини яхши ҳис қила олмаслик, интернет

ТЕЛЕФОН ҚЎЛИМИЗДА
ЭМАС, ОНГИМИЗДА (МИ)?

орқали кўриладиган турли хил ўйин ва кинолардан бош олиб чиқолмасликда намоён бўлади. Сўнгги йилларда атроф, оламдан мутлақо ўзилган ва смартфонлари “ичига кириб кетганлар” жуда кўпайиб кетгани хавотирли, албатта. Чунки бу ҳолат инсоннинг реал ҳаётидаги фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

РАҚАМЛАР
КЕСИМИДА

Болаларга телефон зиёنлигини кўп ўқтирамиз, аммо очиғини айтилик, ўзимиз ҳам унга аллақачон қарам бўлганмиз. Биз ёниб турган экранларга бош эгиб, вақтимизни беҳуда сарфлаш кўникмасига эга бўлиб улгурдик ҳам.

2024 йилги тадқиқотларга кўра, рақамли технологиялар учун биз кунига ўртача 6 соат 40 дақиқа вақтимизни сарфлаямиз.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда бутун дунё бўйлаб қарийб

5,4 миллиард одам интернетдан фойдаланади. Шулардан 96,5 фоизи интернетга мобил телефон орқали уланади – бу рақам ўтган йилга нисбатан 4,6 фоизга ошган.

2011 йилда интернетда вақт ўтказиш ярим соатдан сал кўпроқни (32 дақиқа) ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб икки баробарга ошиб, 1 соат 38 дақиқага етди. 2024 йил ҳолатига кўра, смартфонда интернетдан фойдаланиш учун ўртача кунлик вақт тахминан 3 соат 45 дақиқага чикди.

Бироқ интернет тўғри ва меъёрида ишлатилса, фойда келтиради, нотўғри ишлатилса, муаммога олиб келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботига кўра, дунёдаги ҳар ўнта ўсмирдан бири ижтимоий тармоқлар ва компьютер ўйинларига берилиб кетиш оқибатида руҳий қийинчиликларга дуч келмоқда.

► (Давоми 7-бетда)



ПАРЛАМЕНТДА

ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАДАН
БОШЛАНАДИпарламент қўйи палатасида
навбатдаги ялпи мажлис

► (Давоми. Боши 1-бетда)

КОРРУПЦИЯСИЗ
ЖАМИЯТ САРИ

Коррупция жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи энг жиддий муаммолардан биридир. Бу иллат иқтисодийetni сусайтириб, давлат бошқарувида шаффофлик ва адолат тамойилларини заифлаштиради. Шу боис коррупцияга қарши курашиш – давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Парламент қўйи палатасининг мажлиси Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқишдан бошланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А. Бурхонов ахборот берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар тизимли амалга оширилмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ҳукумат фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини рақамлаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Жорий йилнинг 5 март куни коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишлар натижадорлиги Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бевосита давлат раҳбари иштирокида муҳокама қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилди.

2024 йилда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни билан манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Агентлик томонидан 2024 йил давомида 111 та давлат харидида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл қўйилганлиги юзасидан вазирлик ва идораларга 57 та тақдимнома, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 54 та сўровнома киритилиб, 75 та ҳолатда харидлар бекор қилинди.

Шунингдек, қайд этилдики, давлат харидлари махсус ахборот порталида товар (иш, хизмат)ларнинг нархларини жамоатчилик учун шаффофлиги таъминланди. Давлат органлари ва ташкилотларида очикликни таъминлаш бўйича масофавий мониторинг қилиш тартиби, давлат харидларида ягона етказиб берувчилар реестрига киритишнинг маъмурий регламенти, давлат органлари ва ташкилотларининг очикликка масъул ҳодимларини ўқитишга мўлжалланган “E-learning” таълим платформа ишга туширилди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқаришга оид фаолиятини рақамлаштириш ахборот тизими йўлга қўйилди.

Мажлисада айтилганидек, 2024 йилда давлат бошқарувида бюрократияни қисқартириш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали коррупцияга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, давлат хизматларини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сони 710 тадан ошган.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимини узлуксиз ошириб бориш мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформаси ишга туширилди.

Судлар томонидан мансабдор шахсларнинг бекор қилинган ноқонуний қарорлари тўғрисида жамоатчилиكنи хабардор қилиш тизими яратилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлари порталида давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ҳақидаги суд қарорларини очик эълон қилиб бориш тартиби йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Опен Дата Инвенторй (ОДИН) рейтингида Ўзбекистон 195 та давлат ичида 12 ўринни эгаллаб, 2022 йилга нисбатан 18 поғонага яхшиланди. Марказий Осиё давлатлари орасида эса 1-ўринни эгаллади.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда ушбу соҳада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Манфаатлар тўқнашуви, давлат харидлари, давлат органларининг очиклиги ҳамда бюджет



маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўлиқ бартараф этилмаётганлиги танқид қилинди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонунда белгиланган талаблар тўлиқ ижро этилмасдан қолаётгани, Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари якунига етказилмагани депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Халқ вакиллари Агентлик томонидан коррупцияга оид, биринчи навбатда, мамлакат миллий манфаатларига ва халқаро имиджига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни комплекс таҳлил қилиш, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан боғлиқ материалларни ўрганиш, мансабдор шахсларнинг қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар беришди.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси фракциямиз йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Авалло таъкидлаш керакки, ушбу миллий маъруза ҳақидаги ахборот 2024 йилда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлигини кўрсатмоқда.

Кейинги йилда коррупцион омилларнинг олдини олишга қаратилган давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида инсон омили қисқариб, ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сони 710 тага етган. Бу эса пенсия тайинлаш учун ариза бериш, тиббий маълумотнома олиш, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашга ариза бериш, нафақа тайинлаш, талабалар учун таълим кредити олиш каби хизматларнинг электрон шаклга ўтказилиши бюрократия ва коррупция омилларини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш жараёнлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор дастуриий мақсадлари, хусусан, давлатнинг фуқаролар олдига масъуллиги, уларнинг ҳуқуқлар ва имкониятлари тенглигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда ушбу соҳада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд.

Жумладан, манфаатлар тўқнашуви, давлат харидлари, давлат органларининг очиклиги ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўлиқ бартараф этилмапти.

Жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишлар натижадорлиги муҳокама қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси Агентликка:

- ҳудудларда аҳолини қийнаб келаётган маиший ва тизимли коррупциявий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан чоралар ишлаб чиқиш ва таклифлар киритиб бориш;

- содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиши ҳамда ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотлари билан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни белгилаш ишларини қучайтириш;

- Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни қабул қилиш ишларини якунига етказиш чораларини кўришни тавсия этди.

Ва тақдим этилган миллий маъруза маълумот учун қабул қилинишини қўллаб-қувватлади.

Мажлисада соҳани такомиллаштириш ҳамда Агентлик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қатор таклифлар ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИГИГА
ҚАРШИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Депутатлар шунингдек, болаларни зўравонликдан химоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга болаларни жинсий зўравонликлардан химоялаш, болалар тасвирланган порнография маҳсулотларни сақлаганлик учун жавобгарлиكنи белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш муддатларини аниқ белгилловчи ўзгартиришлар киритилапти.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масъул қўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилгани, жумладан, сиёсий партиялар фракциялари, ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшунос ва олимлар иштирокида бир қатор йиғилишлар, семинарлар ўтказилгани қайд этилди.

Мажлисада қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар болаларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш кафолатларини қучайтиришга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ИСЛОМИЙ МОЛИЯ
ТАМОЙИЛЛАРИГА
АСОСЛАНГАН БАНК
ФАОЛИЯТИ:
ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ
МУҲОКАМАДА

Бугунги кунда молия бозорида янги молиявий маҳсулот ва хизматларни жорий қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш долзарб вазифа

ҳисобланади. Шу мақсадда қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилмоқда.

Лойиҳа билан Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда 8 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, қонунчиликка исломий банк, молия операциялари ва стандартлари ҳамда инвестициявий депозит тушунчаларини киритиш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасида исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни жорий қилиш назарда тутилиб, мазкур лицензияни олиш бўйича аниқ талаблар ҳам белгиланмоқда.

Шу билан бирга, исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга банклар томонидан амалга ошириладиган молия операциялари белгилаб берилмапти.

Халқ вакилларининг фикрича, қонун лойиҳаси аъъанавий молиявий хизматларга муқобил молиявий хизматларни жорий қилишга ҳамда молиявий оммабоплиكنи оширишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИГА
ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ
ЮБОРИЛДИ

Мажлисада Ёшлар ишлари агентлигига ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида парламент сўрови юборилди.

Таъкидландики, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларидаги учрашувлари ҳамда ҳудудларда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида соҳада ечимини кутаётган масалалар борлиги аниқланди.

Хусусан, айрим ҳудудларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказиб келинаётган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг маҳаллалардаги тарғиботи ҳамда қуйи босқичлари доирасида ёшларнинг қамрови етарли даражада эмас, маҳалла босқичлари иштирокчиларини ва ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш механизми белгиланмаган.

Шунингдек, ёшлар етакчилари томонидан “Ёшлар бандлиги дастури”ни маҳаллада амалга ошириш бўйича яратилган имкониятларнинг маҳаллалардаги ёшларга етказилишида сусткашликка йўл қўйилаётгани, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар билан интеграция алоқалари тўлиқ йўлга қўйилмагани натижасида давлат томонидан берилган имтиёзлардан ёшлар тўлақонли фойдалана олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Шу билан бирга, “Ёшлар дафтари” жамғармасига ажратилган маблағлар айрим туманларга ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаётгани ҳамда маблағларни тақсимлаш механизми тўлиқ таъминланмаётгани аниқланган.

Бундан ташқари, ўрганишлар давомида ёш фермерларга ажратилган ер майдонларининг унумдорлиги, суғорилиши ва инфраструктура мавжудлиги “Ёш фермерлар” дастури доирасида яратилган Yohfermer.uz платформасида кўрсатилган маълумотлардан фарқ қилиши маълум бўлган.

Юқорида келтирилган муаммолардан келиб чиқиб, парламент сўровида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун ўтказилган тадбирлар, уларни касб-хунарга ўқитиш ва иш билан таъминлаш бўйича кўрсаткичлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият ва хусусий сектор билан ҳамкорлик алоқалари каби масалалар қамраб олинди.

Мажлисада парламент сўровини юбориш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

Қонунчилик палатасида мажлисида шунингдек, Спорт вазири А.Икрамовга “Аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар орасида жисмоний тарбия ва спорт бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” юборилган парламент сўровининг жавоби кўриб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Эътиборлиси, бу қарашлар фақатгина юртодошларимизнинг қалбидан кечган туйғулар билангина чекланиб қолмайди. Гап шундаки, Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва тарбияга тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч сифатида қаралади.

Демак, биз ўз қалб кўрини, кўз нурини, меҳр-муҳаббатини баркамол авлодларни тарбиялаш йўлида сафарбар этаётган инсонларни қанча қадрласак шунча кам. Миллат тақдирига

ота-оналар қанчалар бурчли бўлса, устозлар ҳам шу қадар масъул. Ана шундай машаққатни зиммасига олган кишилар ўз вазифасини юксак шараф билан амалга ошириб келмоқда. Байрам арафасида фидойи устоз мураббийларнинг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак орден ҳамда медаллари билан мукофотланди. Биз эса уларнинг ҳаёт ҳикматлари, ҳаяжонларига шерик бўлдик.

ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ



Элдор КАРИМОВ,
Қашқадарё вилояти
Ўзор тумани 1-сонли
политехникум директори,
туман Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси, “Шухрат”
медали соҳиби:

— Сиз билан ҳаяжонимни бўлишиш билан бир қаторда таълим тизимидаги ислохотларга ҳам тўхталмоқчиман. Тўғриси, бугунги ютуқларим ҳамда мукофотнинг асосий сабаби мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда улардан фойдаланиш натижаси, деб биламан. Чунки адолатли сиёсат ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, таълим тизимига бўлган эътибор бу ислохотларнинг ёрқин далилидир.

Бунга биргина мисол келтирмоқчиман. Яъни, 2024 йилда Қашқадарё вилояти делегацияси таркибида Германияда хизмат сафарида бўлиб, Лейпциг Ҳунармандчилик палатаси ва Авестос компанияси билан ҳамкорликда политехникумда тўлиқ немис таълим стандартларига асосланган касбий таълим дастурини жорий қилдик.

8 нафар педагог Германияда малака ошириб, немис таълим

ҲАЁТИНИ УЛУҒ ИШГА БАҒИШЛАГАНЛАР

стандартлари асосида дарс бериш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритди. Ҳозирда “Металлар технологияси” касби бўйича 64 нафар ўқувчилар немис экспертлари назорати остида таълим олмақда. Улар малака ошириш билан бир қаторда, касб сирларини чуқур ўзлаштириб, халқаро таълим дастури асосида ёш авлодни замонавий касбларга тайёрлаш ишларини олиб бормоқда. Немислар томонидан ўтказилган имтиҳон натижаларига кўра, 32 нафар ёшлар қисқа муддат ичида халқаро меҳнат бозорига тўлиқ тайёр экани эътироф этилди.

Мен раҳбарлик қилаётган политехникумда ҳозирги кунда 1 586 нафар ўқувчи таълим олмақда. Улардан 251 нафари дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш корхоналарида билим ва кўникмаларини мустаҳкамламақда. Жумладан, Шўртангаз кимё мажмуасида 27 нафар ўқувчи амалий иш фаолиятини олиб бормоқда. Улар ойига ўртача 6–7 миллион сўм миқдорида даромад ҳам топмоқдалар. Шунингдек, таълим муассасамизда замонавий касблар бўйича ўқувчилар иштирокида пуллик хизматлар йўлга қўйилди. 2024–2025 йиллар мобайнида 1 миллиард 674 миллион сўм бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилди. Бу

маблағлар, ўз навбатида, таълим сифатини яхшилашга ва моддий-техник базани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Эришилган натижаларни узоқ давом эттириш мумкин. Асосийси, биз изланишдан, имкониятлардан самарали фойдаланишдан тўхтамаймиз. Шундан келиб чиқиб, баъзи ташаббусларни ҳам илгари суряпмиз. Хусусан, политехникумларда босқичма-босқич халқаро таълим дастурларини жорий этиш масаласини ўйлаб кўриш керак. Бу орқали ёшлар нафақат мутахассислик соҳасида, балки чет тиллари бўйича ҳам юқори билимга эга бўлиб, халқаро меҳнат бозорида юқори маош ва хавфсиз меҳнат шароитларига эришишлари мумкин бўлади.

Айни пайтда ўқитувчи ва мураббийларнинг мақомини ошириш масаласи устуворлик касб этмоқда. Бу борада сайъ-ҳаракатлар, чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Устознинг қадр-қимматини янада юксалтириш давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айланиши бизни чексиз қувонтиради ҳамда ғайратимизга ғайрат қўшади. Миллат тақдири, фарзандларимизнинг эртанги кунни янада гўзал бўлиши учун бор кучимиз ҳамда шижоатимиз билан ишлашга ҳамиша тайёرمىз.



Озодаҳон УМАРОВА,
Андижон вилояти Жалақудуқ
тумани 1-сонли умумтаълим
мактаби ўқитувчиси, ЎзХДП
аъзоси, “Шухрат” медали
соҳибаси:

— Дунё жуда тез ривожланмоқда. Бу эса бизни ҳам доимо уйғоқ ва сергак бўлишга чорлайди. Глобал тараққиётдан ортда қолмасликнинг шартларидан бири эса таълим тизимидаги ислохотлар билан боғлиқдир. Демак, биз педагогларнинг зиммасига катта иш тушади. Сабаби, турли соҳа ва тармоқда белгиланган улкан мақсадларни амалга ошириш ва тараққиётнинг шундай жадал суръатда давом этиши ёш авлоднинг билим-тафаккурига, маънавиятига, ватанпарварлигига боғлиқ. Ҳар бир ўғил-қизини бундай фазилатлар билан камолга етказиш ўқитувчининг бош вазифаси саналади.

Яқин ўтмишда педагоглар ўз ишларини бажаришга вақт топа олмай қолган пайтлар ҳам бўлди, афсуски. Аммо устозларга бугун эътибор туддан ўзгарди. Бунни олаётган маошларимизда, бизга берилаётган мукофот ҳамда эътирофларда

ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, ўқитувчиларга маҳорати ва эришган ютуқларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага ошди. Ўз устида астойдил ишлаган, хорижий сертификат олган 10 мингга яқин ўқитувчи 10 миллион сўмдан зиёд маош олмақда. Хорижий услубда дарс ўтиш тизими такомиллашди. Чет элда малака ошириш амалиёти йўлга қўйилди. Жамиятда обрўимиз ошди. Буларнинг барчаси замирида давлатимизнинг одилона сиёсати мужассам.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, болалигимдан ўқитувчиларимга ҳавас қилардим. Натижада ўқитувчилик касбини танладим. 2001 йилдан буён шу соҳанинг нонини еб, паст-у баландини енгиб ўтишга ҳаракат қиляпман. Тўғри, жуда қийналган пайтларимиз бўлди. Аммо касбимга бўлган меҳрим ҳамиша ғолиб келди.

Бир қанча ўқувчим бугун катта соҳада ютуқларга эришиб, менга фахр ва ғурур туйғуларини улашиб келмоқда.

Турли танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалладим. Ўша пайтда ҳам ҳаяжоним чексиз эди. Аммо бугун кўксимда давлат мукофоти турибди. Унинг юки, масъулияти оғир эканини ҳозирданок ҳис қиляпман. Мен учун бу ишонч, бу эътироф, эътибор ҳамда келажақда қилиниши керак бўлган ишларим учун рағбатдир.

Юртимизда таълим соҳасини том маънода янги сифат босқичига кўтариш мақсад қилинган. Бунинг учун барча шароит ҳамда имкониятлар бор. Биз эса улардан самарали фойдаланиб, фарзандларимизни жаҳоннинг энг билимдон инсонлари сафига қўшиш учун бор кучимизни сафарбар қилмоғимиз зарур.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ойдан-ойга етмайдиган маош ва уни беришдаги муттасил узилишлар, аввало, мактабларда эркак ўқитувчиларнинг сони кескин тушишига олиб келди. Рўзгордан орттириб, боласи ёғин-сочин кунлари кийиши учун битта пойфазал харид қилишга ҳам қурби етмай қолган оталар – оиланинг асосий таъминотчиси сеvimли касби бўлган ўқитувчиликни ташлаб, бошқа юмуш бошини тутдилар. Натижада шундай стереотип пайдо бўлдики, одамларимиз ўқитувчиликни аёлларга хос касб сифатида кўра бошладилар. Мажбурий меҳнат ва иш фаолиятига боғлиқ бўлмаган тадбирларга ўқитувчиларни жалб қилиш одатий тус олди. Ҳатто улар зерикарли мажлисларда зални тўлдириб туришга мажбур этилди. Бундай ҳолатлар ўз-ўзидан ўсиб келаётган авлод таълимида ҳам, тарбиясида ҳам сифатни издан чиқарди. Мактабларнинг маънавий-тарбиявий муҳитидаги саёзликни, болалар ва ота-оналарнинг ўқитувчиларни менсимаслик кўникмасини ана шу бўшлиқларнинг ҳосиласи дейиш мумкин.

Рақамларга юзлансак, 2017-2018 ўқув йилида юртимиздаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатган жами 408 минг 135 нафар педагог ходимнинг 120 минг 336 нафарини, 2024 йили эса 538 мингдан ортик ўқитувчиларнинг 161 мингдан зиёдини эркаклар ташкил этди.

Чиндан ҳам бугун эркаклар мактабларга қайта бошлади. Бунга ҳамоҳанглиқда жамиятимизда муаллимнинг мавқеи ошмоқда. Заҳматли меҳнати муносиб эътирофини топмоқда. Ушбу касб эгалари қоғозбозлиқ-у турли юмушлардан озод қилингани жуда зарур қадам бўлди.

Кишини мамнун этадиган яна бир жиҳат шуки, ўқитувчининг мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланди. Бинобарин, Асосий қонунимизнинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитиш асоси сифатида белгиланди. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини химоя қилишни, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши учун ҳамхўрликни ўз зиммасига олди. Ўтган йили “Педагогининг мақоми тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши доирасида ўқитувчи-тарбиячилар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари янада такомиллашди.

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА

Аксариyat мутараққий давлатлар тажрибасига назар ташласак, улардаги жадал ривожланиш, халқ фаровонлиги

ТАЪЛИМ – ЯГОНА НАЖОТ ЙЎЛИ

айнан таълим ислохотлари билан боғлиқ эканини кўрамыз. Ёки ўтган асрнинг иккинчи ярмида қолюқ саналган Корея, Сингапур каби давлатларнинг мавжуд инвестицияни таълимга мақсадли йўналтиргани қисқа вақтда иқтисодий юксалишига замин яратгани барчамизга маълум.

Сўзсиз, таълим давлатнинг ва жамиятнинг раvнақ топишида асосий ричағ ҳисобланади. Айниқса, ҳозирда дунёдаги мураккаб вазият, халқаро меҳнат бозоридagi шитобли ўзгаришлар, биз бoшдан кечираётган “тўртинчи саноат инқилоби”, барча соҳанинг рақамлашаётгани ҳар бир давлат олдига таълимни ислоҳ қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда.

Шунга кўра, мамлакатимизда таълим, илм-фан ва инновацион ривожланиш масаласига устувор эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган ғоя остида ёш авлоднинг таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимизда таълим ва илм-фан соҳасига харажатлар 6 қарра оширилиб, 378 триллион сўм маблағ ажратилди. 500 га яқин янги мактаблар қурилиб, мавжудлари кенгайгани ҳисобидан бир миллион ўқувчи ўрни яратилди. Таълим-тарбияда хусусий секторнинг улуши кўпайиб бораётгани соҳада рақобатни, бунинг таъсирида сифат ва самарадорликни оширмоқда. Асосийси, бу жараён ўқитувчилик касбини ҳар томонлама жозибадор қилмоқда.

Жорий ҳафтанинг бошида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида Ўқитувчи ва мураббийлар кунни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда мазкур соҳа ходимларининг ижтимоий шароитларини яхшилаш юзасидан яна янги ташаббуслар илгари сурилгани, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизда катта резонанс бермоқда.

Ана шундай муҳим янгиликлардан бири, 2026 йилдан бошлаб камида 15 йил стажга эга, олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қопланиши уй-жойга муҳтож ўқитувчилар учун катта мадад бўлса, келгуси ўқув йилидан давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз чегирма берилиши отаси ёки онаси ушбу касбдан нон топаётган қанча-қанча йигит-қизларга олий таълим олиш учун рағбат бағишлайди.

Бундан ташқари, ўқитувчилар янги таълим технологияларини кенг қўллаши

учун компьютер харидига имтиёзли кредит ажратилади. Педагоглар учун давлат хизматлари тўлови икки қарра камайтиради. Фан ўқитувчилари каби бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификат бериш тизими жорий қилинади. Сертификат олганларга ҳар ойда 15 фоиз устима тўланади. Бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан битириб, мактабга ишга кирганларга автоматик равишда 2-малака тоифаси, магистрларга эса 1-малака тоифаси берилади.

Шунингдек, дунёдаги ТОП-300 талик олийгоҳларга ўқишга кирган педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити тақдим қилинади. Рейтингда 100 таликка кирган мактаб ва боғча, 20 таликдаги техникум, ТОП-10 та олийгоҳ педагогларига йилгига бир марта Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун самолёт ва поездлар чипта нархларига 15–20 фоиз чегирма берилади.

Худди шундай, техникум ўқитувчиларига ҳам миллий сертификат учун ойлигининг 30 фоизи, халқаро сертификатга эса 50 фоизи миқдорида устима тўланади.

СОҒИНИБ КУТИЛАДИГАН КУН

Президентнинг шу йил 11 сентябрдаги Фармониға мувофиқ, таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнақ кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида ўз маблағи ҳисобидан мактаблар қурган саҳий тадбиркорлар, таълимдаги илғор ютуқларни жорий қилишга кўмаклашаётган хорижий ҳамкорлар ҳам бор.

Бўстонлиқда ўтган ва видеоалоқа орқали бутун республикамиздан 40 мингдан зиёд устоз ва мураббийлар қатнашган тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

– Мен қўллаб соҳа вакилларига унвон, орден ва медаллар бераман. Лекин устозлар мукофотланадиган кунни соғиниб кутаман. Кўксингизни безаб турган орден-медаллар муборак бўлсин. Юртимизда юксак мукофотларга муносиб фидойи муаллимлар кўпайсин, – деди Президент.

Шундан сўнг соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича кечган мулоқотда ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва мактаб таълими билан бир қаторда касбий таълим масаласига алоҳида ургу берилди.

Касбий таълим ривожини – жамиятдаги



ижтимоий барқарорликка ва фаровонликка тўсик бўлаётган ишсизлик ҳамда камбағаллик кўрсаткичларини камайитиришда ишончли замин. Шу маънода энди мактаб даврида ўқувчиларни қобилиятига қараб касб ёки олий таълимга йўналтириш мақсадида 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилиниши, 400 мингга яқин 9-синф битирувчилари техникумларга қамраб олиниши, “инвестор – тармоқ – техникум” занжири асосида дуал таълим йўлга қўйилиши ўз самарасини бериши аниқ.

600 га яқин техникумларга янги муҳит олиб кириш ва улар фаолиятида халқаро стандартларни жорий қилиш учун Касбий таълим агентлиги ташкил этиладиган бўлди.

Сўнгги йиллардаги сезиларли ўзгаришларни олий таълимда ҳам яққол кўрмоқдамиз. Маълумотларга кўра, юртимизда ОТМ сони 200 дан ошиб, уларда жами 1,5 миллион талаба билим олмақда. Аммо уларнинг “тўртинчи саноат инқилоби” даври талабларига жавоб берадиган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган ва уларни ҳаётга татбиқ этишга қодир, фавқулодда салоҳиятли, яратувчанлик иштиёқи баланд мутахассислар қилиб етиштиришда ечимини кутиб турган вазифалар бор. Шу нуқтаи назардан тадбирда қатор тақлифлар билдирилди.

2026 йил – ёшларни замонавий касб-хунарға ўргатиш йили бўлиши таъкидланди. Бу эса мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришда, таълимда янги ва умидбахш ислохотлар давом этишига мурда беради.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



Голибжон МАҲАММАДЖОНОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.

НУҚТАИ НАЗАР

ДЕМОКРАТИЯ СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛЛИГИ ЭМАС, фуқаролар қўлловига ҳам боғлиқ

Хар қандай ислохотларнинг амалий натижасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни ва роли беқиёс. Сиёсий партиялар мамлакатни мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида тараққий эттириш ҳамда демократияни таъминлашда фавқулodда муҳим роль ўйнайди. Улар фуқароларнинг сиёсий ҳаётда, давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиши халқнинг сиёсий иродасини ифодалашнинг муҳим воситасидир. Жамиятдаги кўппартиявийлик эса демократик тамойилларни мустаҳкамлашнинг шарти сифатида намоён бўлади.

1970-йилларда дунёда 44 та демократик давлат бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 160 тадан ошгани сиёсий институтлар, хусусан, сиёсий партиялар ҳамда кўппартиявийлик тизими жаҳон миқёсида ривожланаётганини тасдиқлайди.

Кўппартиявийлик – бу сайловларда аниқ мақсадларга асосланган, давлат бошқарувида фуқаролар манфаати акс этишини таъминлашнинг янги технологияларига асосланган тизим. Ушбу тушунчага фақат сон нуқтаи назаридан ёндашиб бўлмайди. Акс ҳолда сиёсий партиялар сиёсий тизимни шакллантирувчи эмас, балки унинг мурватига айланиб қолиши табиий.

Сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тамойилларини қўллаши доимо самарали натижа бериб келган. Фаол, жамиятда ўз сиёсий позициясига эга бўлган янги авлодни шакллантиришда жамиятнинг бу институтлари ўзига хос платформа вазифасини бажариши лозим бўлади. Жамиятнинг бошқа институтлари, таълим масканлари билан узвий алоқада бўлиши уларнинг кейинги фаолиятидаги самарадорлигини белгилашнинг муҳим индекси ҳисобланади. Хар бир фуқаро давлат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисаларга ўзининг конструктив, онгли фикрларини билдириши ўз навбатида, сиёсий партиялар билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайди, уларга бўлган ишончни оширади. Бу эса партияларнинг “сайловлар оралиғи партияси” макomini табиий ўзгартиришига олиб келади.

ЎЗ ПОЗИЦИЯСИГА ЭГА ЁШЛАР ТАНЛОВИ МУҲИМ

Хар қандай ислохотларнинг натижавийлигини таъминлашда сиёсий- ҳуқуқий онги шакланган фуқаролар, хусусан, ўз позициясига эга ёшлар муҳим ўрин тутаетди. Ўзгаришларга ижобий таъсир этувчи бу қатлам билан ишлаш ҳамма давлат ва жамиятда устувор вазифа қилиб белгилангани бежиз эмас. Мамлакатимизда ҳам ёшлар сиёсати давлат бошқарувининг ўзига хос самарадорлигини белгилувчи барометр сифатида баҳоланади. Чунки ёшлари

қаровсиз қолдирилган жамиятлар ҳеч қачон ривожланиш мақомига эришмаган, эришмайди ҳам.

Эндиги асосий эътибор янги авлодни миллий бирдамлик руҳида тарбиялашдан иборат. Бунда таълим масканларида ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш муҳим ва асосий йўналиш бўлиши лозим. Зеро, барча ижтимоий, сиёсий, маънавий билимларнинг биринчи ўчоғи таълим масканлари ҳисобланади.

СИЁСИЙ МУЛОҚОТ ПЛАТФОРМАСИ

Сиёсий партиялар электорати манфаатларини бевосита депутатлари орқали ҳимоя қилади. Сайлов тизимининг муҳим жиҳати ҳам ана шунда. Фуқаролар фаоллиги партияларга янгича фаоллик учун импульс беради. Бугун партияларга ҳам, парламентга ҳам талаблар ўзгарди. Чунки фуқароларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга, ўзгаришларга ўз муносабатини билдириш имконияти кенгайиб бормоқда. Буларни мамлакатимизда сўз эркинлиги, ахборот маконининг кенгайиши, ижтимоий тармоқларнинг ҳаётимизга чуқур кираётгани билан изоҳлаш мумкин.

Парламент халқ вакиллик органи сифатида жамиятда ҳукм сураётган кўп сонли манфаат, сиёсий йўналиш ва кайфиятларни яқдиллаштиради. Халқ суверенитетини давлат ҳокимияти билан бирлаштириш функциясини бажаради.

Халқнинг қўллаб-қувватлаши парламентга давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш

ва сиёсий ҳокимиятни қонунийлаштириш имконини беради. Ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш, жамоатчилик манфаатларини жамлаш ва очик ифода этиш қобилияти парламентни эркин фикр алмашиш асосида ҳокимиятнинг турли субъектлари, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида тўпланган қарама-қаршиликларни бартараф этадиган жамоат майдонига айлантиради.

Бугун парламент чинакам “Халқ уйи”га айланиб бормоқда. Боиси, сиёсий партиялардан номзоди кўрсатилган депутатлар янада фаол, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, депутатлик мақомини чин дилдан ҳимоя қилаётган инсонлардан ташкил топгани кишини янада қувонтиради. Эътиборлиси, бу доимийлик тусини олмоқда.

АХБОРОТЛАШУВ ЯНГИ ТАЛАБЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА

Бугун глобаллашув ва тамаддунлар тўқнашуви муқаррар ҳодисага айланиб улгурди. Ахборотларнинг тезлиги ва ижтимоий тармоқларда контентлар сониялар ичида дунёнинг хоҳлаган нуқтасига етиб бораётгани ижобийлик билан бир қаторда “салбийлик эффекти”ни келтириб чиқармоқда. Президент таъбири билан айтганда, ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи хар қачонгидан ҳам долзарб бўлмоқда.

Ахборотлашувнинг бундай тезлик билан ривожланиб бориши жамиятнинг сиёсий институтлари олдига жиддий талабларни қўяди. Хусусан, сиёсий партияларнинг фаоллиги бевосита жамият

аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ва консенсуси асосида амалга оширилишини тақозо қилади. Янги Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз позициясини мустаҳкамлаб бориши фонида ижтимоий, сиёсий, маънавий аҳамиятга эга ислохотларга алоҳида эътибор қаратишининг боиси ҳам ана шунда.

УЛАР ДОИМО ЕТАКЧИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизнинг нафақат минтақада, балки халқаро майдонда нуфузи ошишида фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда парламентнинг қонун ижодкорлиги ва таъсирига асосланган “учлик” ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунда давлат мустақиллигини асраш, унинг кадрига етиш ҳиссини шакллантириш бирламчи вазифа ҳисобланади. Зеро, айнан мустақил мамлакатга кенг ислохотлар ярашади. Бугун халқаро майдонда содир бўлаётган хавф-хатарлар, албатта, бу масалага янада жиддий ёндашиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бунда фақатгина ҳукумат ёки сиёсий партиялар эмас, балки фуқароларнинг иштироки, қўллаб-қувватлаши ҳам жуда муҳимдир.

Бугун дунёда 40 га яқин давлатчилик мақомига эга бўлмаган ўлка борлиги мустақилликнинг аҳамиятини яна бир бор тафаккур қилишимиз учун етарли бўлади. Шу маънода сиёсий партиялар фаолиятининг устувор йўналиши ҳам, аввало, ўз позициясига эга бўлган янги авлодни шакллантириш асосида жамиятда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳиссини ошириш бўлиб қолиши зарур.

ФАРҒОНА: ЁШЛАР БАНДЛИГИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан ёшлар бандлиги ва ишга жойлашиш имкониятлари, олий таълим битирувчиларининг меҳнат бозорига интеграцияси, таълимдан четда қолган ёшларни фаол ҳаётга жалб қилиш ҳамда ногиронлиги бўлган ёшлар учун тенг ва адолатли меҳнат шaroитлари яратиш масалалари бўйича жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи ҳамда Марғилон шаҳри, Тошлок, Данғара тумани ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг ахборотлари эшитилди.

Маълумотларга кўра, вилоятда жорий йил бошида маҳаллаларда ўтказилган хатлов орқали 1 млн 6 минг 155 нафар “ёшлар баланси” шакллантирилган.

Вилоятда жорий йилда 4 623 нафар ёш “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 4 216 нафарига (81,3 фоиз) манзилли ва мақсадли ёрдам кўрсатилган. Ер олиш истагини билдирган 18 637 нафар ёшлар томонидан 5 002,7 гектар ер майдони (режага нисбатан 101 фоиз) савдоларда ютиб олинган. Ижара асосида ер олган 17 996 нафар (96,8 %) ишсиз ёшларнинг 6 767 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали



ва 11 229 нафари юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон ҳўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказилиб, бандлиги таъминланган.

Йил якунига қадар вилоятда 2 минг 341 нафар ишсиз ёшларни ҳамда 45 минг 639 нафар меҳнат бозорига кириб келадиган битирувчи ёшларни “Ёшлар бандлиги дастури” асосида банд қилиш режалаштирилгани билдирилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшлар бандлигига кўмаклашиш, ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблайди. Бу борадаги вазифаларни бажаришга масъул этиб белгиланган идора-ташкilotларнинг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг ёшлар ва кенг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, бандлик ва иш жойлари ҳақидаги маълумотлар ҳаққонийлигига эришиш, мутасаддилар билан

ёшлар ўртасида бевосита мулоқотни кучайтириш жамоатчилик эшитувининг асосий мақсади ҳисобланади.

Мулоқот давомида ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, таълим ва касб-хунар ўргатиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя, ногиронлиги бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Жамоатчилик эшитуви очик мулоқот ва савол-жавоблар тарзида ўтди. Тадбир якунида ёшлар билан мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш, давлат ва жамоат ташкilotлари ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши Ахборот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ: БОҒЧА ВА МАКТАБЛАР ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИ?

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий масалалар бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳининг қўшма мажлисида асосий эътибор шу масалага қаратилди. Унда мавзу юзасидан Қашқадарё вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи У. Ориповнинг ахбороти тингланди.

Маълум бўлишича, бугунги кунда вилоятда 5 минг 730 та таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 4 минг 419 таси мактабгача таълим ташкилоти, 1 минг 240 таси мактаб, 17 таси Президент, ижод ва иқтисослаштирилган мактаб ҳамда мактаб-интернатлари ҳисобланади. Бундан ташқари, 39 та хусусий мактаб, 17 та “Баркамол авлод” болалар мактаби мавжуд.

Таъкидлаш керакки, Халқ демократик партияси учун мактабгача ва мактаб таълимининг сифатли ташкил этилиши, соҳада тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг таъминланиши, коммунал хизматларнинг самарали йўлга қўйилиши устувор аҳамиятга эга. Шунинг учун халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи бу борада керакли ўргатиш ишларини олиб бориб, аини чоғда ечимини кутаётган муаммоларни санаб ўтди.

Жумладан, вилоятдаги боғча ва мактабларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, барқарор иссиқлик таъминоти бўйича жорий этилган давлат-хусусий шериклик тизимининг самарали ишлашини йўлга қўйиш чоралари долзарб бўлиб тургани

таъкидланди.

Тадбир асносида партиямиз депутатлари ногиронлиги бўлган болалар учун инклюзив таълим имкониятларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Вилоятдаги 1 минг 905 нафар ногиронлиги бўлган болага сифатли таълим бериш, очилиши режалаштирилган 111 та инклюзив синфларни режага мувофиқ тайёрлаш, бу борада олдинда турган вазифалар ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистонда 2025–2026 ўқув йилидан республиканинг хар бир туман ва шаҳрида босқичма-босқич инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган камида биттадан умумтаълим мактаби фаолияти ташкил этилиши белгиланган. Бу ҳақида Президентнинг шу йил 7 февралдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида кўрсатилган.

Мазкур вазифани рўёбга чиқариш учун вилоятда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаси ҳисобидан инклюзив таълим йўналиши бўйича синфларни сифатли жиҳозлар билан таъминлашга 1,6 млрд. сўм маблағ ажратиб талаб этилади.

Халқ вакиллари кун тартибидаги масалалар бўйича фикр ва таклифларини билдиришди. Қизғин муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг депутатлик назоратини изчил олиб бориш бўйича қўшма мажлис қарори қабул қилинди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ахборот хизмати.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Рустам ЖАББОРОВ,
Ўзбекистондаги Ислом
цивилизацияси маркази илмий
котиби.



БУЮК, ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ВАТАН ТИМСОЛИ



Таъкидлаш жоизки, аини шу мақсадда Президентнинг 2017 йил 23 июлдаги фармони асосида пойтахтимизда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ташкил қилинди. Ўтган саккиз йилдан ортиқ вақт мобайнида ушбу йирик мажмуа куриб битказилди.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ўзининг салобати, майдони ва қамровига кўра дунёда Ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган энг катта мажмуалардан биридир, десак янглишмаймиз.

МАҲОБАТЛИ ВА БЕҚИЁС

Ислом цивилизацияси маркази азим Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудидаги 10 гектарлик майдонда барпо қилинган. Бино узунлиги 161 метр, эни эса 118 метр бўлиб, уч қаватдан ibорат. Марказдаги гўмбаз баландлиги 65 метрни ташкил этади.

Марказ биносининг биринчи қаватида реставрация ва электрон нусха олиш лабораторияси, музей экспонатлари ва нодир қўлёзмаларни сақлаш фондлари, 200 ўринли замонавий кафетерий, музей вестибюллари жойлашган.

Иккинчи қаватда ислом оламининг бебаҳо илмий-маърифий ва маданий меросидан намуналарни ўз ичига олган, қарийб 8350 кв.метрлик кўргазма залига эга Ислом цивилизацияси маркази музейи мавжуд. Шунингдек, 460 ўринга мўлжалланган анжуманлар зали ҳам шу қаватдан ўрин олган.

Марказ биноси миллий меъморчилик анъаналарига кўра лойиҳалаштирилган. Унга тўрт томондан тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Порталлар ва бионинг ташқи (фасад) қисмидаги равоқлар илм, маърифат, бағрикенглик, ота-онага ҳурмат мазмунидаги Қуръон оятлари ва ҳадислар билан безатилган.

Марказ биноси порталларининг кириш эшиклари ва пештоқлари Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз, Хива, Тошкент, Қўқон ва Қорақалпоқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган.

Марказнинг асосий дарвозаси томонидан ўрин олган фойе - "Шон-шўҳрат зали"нинг периметри бўйлаб 14 та ярим овалсиман равоқ бўлиб, уларда мамлакатимизнинг бой тарихи ранг-тасвир услубида микромозаика тошчаларидан яратилган суратлар воситасида акс эттирилган. Бу ерда биринчи ва иккинчи Ренессанс даври, Ибн Сино, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, маърифатпарвар жадидлар сиймоларини кўриш мумкин.

Марказда тарихимиздаги ҳар бир давр турли ашёлар, қўлёзма манбалар, суратлар ва мультимедиа воситалар орқали намойиш этилади. Буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг серқирра фаолияти ҳақида замонавий технологиялар ёрдамида маълумотлар тақдим қилинади.

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР – ШАХСЛАР – КАШФИЁТЛАР

Айни пайтга қадар Ислом цивилизацияси марказида "Цивилизациялар – шахслар – кашфиётлар" ғояси остида 4000 дан зиёд маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассислар иштирокида 800 дан ортиқ илмий лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий-инновацион

лоийҳаларни амалга оширишга 100 дан ортиқ ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар ижрочи сифатида жалб этилади.

Марказ музейида Қуръони карим зали, Исломдан аввалги давр цивилизациялари, "Биринчи Ренессанс", "Иккинчи Ренессанс" ва Ўзбек хонликлари даври, "Ўзбекистон XX асрда", "Янги Ўзбекистон – Янги Ренессанс" экспозициялари ўрин олади.

2025 йил 25 апрель – 2 май кунлари Ислом цивилизацияси маркази ходимлари экспозицияни бойитиш мақсадида дунёдаги машҳур "Сотбис" ва "Кристис" аукцион уйларидаги кимовши савдоларида иштирок этиб, 46 та лот орқали 85 та буюм сотиб олишга муваффақ бўлинди.

Хорижий давлатлардаги йирик коллекционерлар Али Сарихани, Халилий, Фаржам коллекциялари, Сэм Фогг, Довуд Шоҳ, Билал Сутчи сингари дилерлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 1-9 июль кунлари Лондон шаҳрида "Сотбис" ва "Кристис" аукцион уйларида сотиб олинган экспонатларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Унда IX–XIII асрларга оид Қуръон қўлёзмалари саҳифалари, миниатюралар, нафис заргарлик буюмлари, маиший буюмлар, матолар ва санъат асарлари намойиш қилинди. Шунингдек, Буюк Британиядаги коллекционерлар, арт-дилерлар билан учрашувлар ташкил этилиб, музей экспозициялари учун янги экспонатлар сараланди.

Дарвоқе, марказнинг очилиши муносабати билан "Ўзбекистон маданий мероси – бутун инсоният мероси" мавзусида халқаро глобал кўргазмани ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур кўргазмада 23 давлатдан 39 та нуфузли музей ва кутубхоналар вакиллари иштироки кутилмоқда.

ОЛИС МОЗИЙГА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТ

Юқорида айтганимиздек, марказнинг энг асосий қисмида Қуръони карим зали бўлиб, бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси саналмиш, ҳозирда Ҳасти Имом мажмуасида сақланаётган, VII асрда қўлда кўчирилган Усмон мусҳафи жойлаштирилади. Шунингдек, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Ўзбекхон, Темурийлар ва бошқа тарихий сулоалар даврида битилган муқаддас китобимиз нусхалари ва уларнинг эски ўзбек ёзувидаги таржималари қўйилади.

Музей деворлари бўйлаб ўтадиган яхлит "Вақт девори" инновацион лойиҳаси 250 метрни ташкил қилади. Бу деворда халқимизнинг камида 3000 йиллик давлатчилиги тарихи барельеф, миниатюралар ва маҳобатли ранг-тасвир асарлари кўринишида акс эттирилади. Шунингдек, ушбу девор бўйлаб турли давларга оид экспонатлар, нумизматика намуналари, хариталар, видеороликлар, интерактив ўйинлар жойлаштирилади.

"Исломдан аввалги давр цивилизациялари" экспозицияси Қадимги Хоразм ва Фарғона, Бактрия, Чоч ва Сўғд ҳудудида юз берган жараёнлар ҳақида сўзлайди. Ўртимиз ҳудудида Афросиёб ва Далварзинтепадан топилган шахмат доналарини дунёдаги энг қадимги ана шундай топилмалар дейиш мумкин. Бу доналар Ҳиндистондан топилган шахмат доналаридан ҳам 4 аср олдин яратилгани аниқланган. Шундан келиб чиқиб, "Ўзбекистонни – шахмат Ватани" дейилса хато бўлмайди. Ўзбекистон нафақат шахмат, балки мусиқа ватани ҳамдир. Самарқанд ҳудудидан, Ургутнинг Мўминобод

қишлоғидан топилган 3300 йиллик най бу фикримизни тасдиқлайди.

Қадимги Фарғонанинг учар отлари ҳақидаги маълумотлар Хитой манбаларида тилга олинган. Ахсикент ёдгорликлари бундан икки минг йил муқаддам юртимизда металлургия саноати ривожланганидан дарак беради. Ахсикентда қазиб олинган пўлат Яқин Шарққача олиб борилган ва дунёга машҳур Дамашқ қиличларини тайёрлашда ишлатилган.

ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ МЕРОСИ

"Биринчи Ренессанс" экспозициясида Исломнинг Мовароуннаҳрга тарқалиши, унинг маҳаллий аҳоли маданиятига таъсири, соҳа ривожига ҳисса қўшган Мовароуннаҳр олимлари мероси кўрсатилади.

Хусусан, яқинда марказимиз олимлари томонидан Имом Бухорий қаламига мансуб "Саҳиҳи Бухорий" тўпламининг бир қанча қадимий қўлёзмалари аниқланди.

"Иккинчи Ренессанс" экспозициясида Амир Темур ҳукмронлиги давридаги маданий-маърифий ҳаёт акс эттирилади.

Амир Темур тадқиқотларда асосан саркарда сифатида эътироф этилади. Бизнинг марказимизда эса бобокалонимизнинг буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-маърифат ҳомийси сифатидаги сиймоси кўрсатилади. Экспозицияда Амир Темур даврига оид кашфиётлар ва илмий ютуқлар харитаси илк бор намойиш қилинади. Шу билан бирга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар даври ёдгорликларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Бобур ихтиро қилган алифбодаги Қуръони карим қўлёзмаси Машҳадаги Ризо-Остони Қудс кутубхонасида экани аниқланди. Бобурийлар даврида яратилган миниатюралар топилди. Бобурийлар даврига оид яна бир қанча қуроллар, фармонлар нусхалари, миниатюралар сотиб олинди.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Кўпчилик тарихчилар Темурийлардан сўнг Ватанимизда Ренессанс ўз якунига етгани ҳақидаги фикрни билдиради. Аммо изланишлар шуни кўрсатяптики, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва бошқа сулоалалар ҳам Темурийлар даври маданиятини давом эттиришга ҳаракат қилган.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива сингари шаҳарларда яратилган обидалар, тарихий, илмий ва адабий асарларда Темурийлар маданиятига тақлид яққол сезилиб туради. Масалан, Шайбонийлар даврига келиб, китобат санъати янада юксалган ва Бухоро миниатюра мактаби вужудга келган. Аштархонийлар вакили – Имомқулихон даврида Самарқанд ҳокими Ялангўш Баҳодир Мирзо Улуғбек мадрасасига мос тарзда Шердор ва Тиллақори мадрасаларини қурдирган, жаҳон меъморчилигининг тенгсиз намуналаридан бири бўлган Регистон мажмуаси шаклланган.

Марказ экспозициясида маърифатпарвар жадид алломаларимиз фаолияти, ўтган асрда юртимизда амалга оширилган маданий-маърифий ўзгаришлар, Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилгани билан боғлиқ лойиҳаларга ҳам кенг ўрин берилмоқда.

"Янги Ўзбекистон – Янги Ренессанс" экспозициясида мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда юзага келган ижтимоий-



ЯҚИН КУНЛАРДА ФОЙДАЛАНИШГА
ТОПШИРИЛИШИ КУТИЛАЁТГАН
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ
ХАЛҚИМИЗНИНГ КЎП МИНГ
ЙИЛЛИК ТАРИХИ ВА ЖАҲОН
ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН
ҲИССАСИНИ ТўЛАҚОНЛИ ИФОДА
ЭТАДИГАН, МИНТАКАМИЗДАГИ
ЙИРИК МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ
МАСКАНГА АЙЛАНИШИ
КУТИЛМОҚДА. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ПОЙТАХТИДА ЖАҲОН
ИЛМИЙ ЖАМОАТЧИЛИГИНИ
ЖАМЛАЙДИГАН, МОЗИЙ ВА
КЕЛАЖАКНИ БОҒЛАБ ТУРУВЧИ ЯНА
БИР МУҲТАШАМ ЗИЁ МАСКАНИ ИШ
БОШЛАЙДИ.

иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жараёнлар, Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, эришилган ютуқлар, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсати устувор йўналишлари ўзига хос тарзда ёритилади.

ЗИЁ-МАЪРИФАТ МАКОНИ

Марказдаги Янги Ўзбекистон инновацион кутубхонаси 226 ўринли бўлиб, китоб фонди 350 минг босма сифмга эга. Ундан 100 мингтаси қўлёзма ва тошбосма, 250 мингтаси замонавий нашрлар бўлиб, 50 мингтаси очиқ фонддан жой олади. Кутубхонанинг электрон фонди 5 миллион ресурсга мўлжалланган. Айни пайтда китобларимизнинг умумий фонди 35 мингдан ошади.

Ёш фарзандли тадқиқотчилар учун алоҳида болалар хонаси, имконияти чекланганлар учун алоҳида шароитлар яратилади ва махсус адабиётлар жамланади. Қўлёзма манбалар умрини узайтириш мақсадида консервация ва реставрация лабораторияси ташкил этилмоқда.

Кутубхона фаолиятини инновацион шаклда йўлга қўйиш мақсадида ақлли кутубхона тизими жорий этилади ҳамда замонавий технологиялардан кенг фойдаланилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ислом цивилизацияси маркази биносининг иккинчи қаватида халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, жумладан, UNESCO, ISESCO, IRCICA, TURKSOY, шунингдек, Al-Furqan, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Туркия, Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари давлатларининг 100 дан ортиқ илмий институтлари, музейлар ва кутубхоналари филиаллари жойлаштирилиши нур устига нурдир.

Бир сўз билан айтганда, яқин кунларда фойдаланишга топширилиши кутилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи ва жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини тўлақонли ифода этадиган, минтакамиздаги йирик маданий-маърифий масканга айланиши кутилмоқда. Янги Ўзбекистон пойтахтида жаҳон илмий жамоатчилигини жамлайдиган, мозий ва келажакни боғлаб турувчи яна бир муҳташам зиё маскани иш бошлайди.

Бундан бир неча йил аввал, яъни, тахминан 2008 йилларда журналист Николас Карнинг “Google бизларни аҳмоқларга айлантрияпти” номли мунозарали эссеси омма эътиборига ҳавола этилган эди. Муаллиф интернет инсоннинг фикрлаш қобилияти, хотираси, диққат-эътибори ва дунёқарашига қанчалик таъсир ўтказётгани ҳақида фикр юритади: "Охирги пайтларда менда нохуш ҳиссиётлар пайдо бўла бошлади: гўё кимдир ё нимадир менинг миямни ўзгартираётгандай, асаб тизимларимни чигаллаштираётгандай, хотирамни қайта дастурлаётгандай. Менинг фикрлашим ўзгарди. Бунни, айниқса, мутолаа пайтида яққол сезаман. Илгарилари мен китобга бутун борлигим билан соатлаб шўнғиб кетардим. Энди эса бир неча сатрларни ўқигач диққатим ошади. Асабийлашишни бошлайман, бошқа нарсаларга чалғийман, мутолаани бирор бошқа машғулот билан тенг олиб бориш истаги пайдо бўлади. Мутолаага борлигим билан шўнғиш яккама-якка жанг билан баробар машаққатга айланди”...

РАҚАМЛИ ҲАЁТНИНГ СОЯДАГИ ОҚИБАТЛАРИ

Қўлимизда телефон. У билан вақт меъёрини унутамиз. Бирор нарса ҳақида маълумот керак бўлса, кидирув сайтларига кирамиз. Исталган маълумотни хоҳлаган пайтимиз ҳозир-у нозир қилиб топиб беради. Қўлимизда тайёр қурилма борку, сонлар, рақамлар, саналарни ҳам айнан у эслаб қолади. Ҳисоблашга келсак, калькулятори бор. Ёки зарур маҳсулотни харид қилишни, кийим-кечак сотиб олиш дейсизми, банкка бормасдан банк хизматларини бажаришни, буларнинг барчасини уйингиздан, ишхонангиздан туриб телефоннинг ўзидаёқ ҳал қилиш мумкин. Коммунал тўловларни ҳам ҳеч қандай навбатларсиз, уйимиздан чиқмасдан амалга ошириш имконияти бор.

Баъзан ишимиз қолса қолар, биз ижтимоий тармоқлардаги блогерларни кузатамиз, уларнинг вайнларини томоша қиламиз. Қайсидир маънода умримизнинг катта қисми бошқаларни томоша қилиш билан ўтмоқда. Хўш, рақамли дунёда йўқотилган вақт қадрини қачон англаймиз? Ҳеч сезганимисиз, ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам тобора тажанг, бетокат, бефарқ бўлиб борапмиз. Рухиятимизда ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Тўғри, технология бизга қўллаб имкониятлар яратади. Интернет инсониятга улкан қўлайлик олиб келди. У ишмизни сезиларли даражада енгиллаштиради. Бугун ишда ҳам, ўқишда ҳам мобиль телефонлардан фойдаланмасликнинг умуман иложи йўқ. Хабар алмашиш сонилар ичида, ҳатто бошқа қитъадаги инсон билан ҳам бир зумда мулоқот қилиш имкони мавжуд.

Лекин, танганинг икки томони бўлганидек, рақамли технологиялар, хусусан, мобиль қурилмаларнинг ҳам зарарли томонлари бор. Бу қўлайликлар фонида бир қатор нозик муаммолар илдиз отмоқда. Бунинг ортидан кўпчилик рақамли қарамликка берилиб, кўплаб касалликларни орттириб олаётгани ҳам рост.

Бўлар мобиль телефонга қарамликдан келиб чиқувчи физиологик касалликлар бўлса, қўрқув ва хавотир, уйқу бузилиши, депрессия, асабийлик, реал ҳаётдан узоқлашиш, ижтимоийлашувнинг пасайиши каби психологик муаммолар ҳам мавжуддир.

Шуниси ҳам борки, виртуал олам инсонларни бир-биридан узоқлаштирмоқда, ҳаттоки киши ёнида турган одам билан ҳам чин дилдан суҳбат қурмай қўйди.

Бугунги кунда кўп мулоқотлар экран ортига кўчди. Телеграмда ёзилган хабар, Instagramдаги ёзишмалар, Tik Tokдаги изоҳлар - буларнинг барчаси ўзига хос мулоқот, лекин, ишонинг, буларнинг ҳеч бири самимий инсоний алоқанинг ўрнини боса олмайди.

Биз телефондан фойдаланганимизда қимматли вақтимизни кўпроқ нималарга сарфлаймиз ўзи? Тўғри, кетган вақтимизга ачинмай, кўзларимиз нуридан кечиб термуладиганимиз бу экран орқасида ҳамма нарса бор: хабарлар, суратлар, изоҳлар. Аммо энг муҳим нарса йўқ, бу - самимийлик, кўз-кўзга тушиб реал мулоқот қилиш саодати. Инсон туйғу ва мулоқотга муҳтож



ТЕЛЕФОН ҚЎЛИМИЗДА ЭМАС, ОНГИМИЗДА (МИ)?

мавжудотдир. Шундай экан, экранга кўз тикмай, ёнингиздаги инсонга боқинг, Эҳтимол сиз кутган меҳр айнан шу нигоҳда яширингандир.

Интернетда ҳамма нарса идеал ва мукамал кўринади. Чиройли суратлар, гўзал ҳаёт, муваффақиятли, омадли инсонлар. Аммо бу суратларнинг ортида кўпинча ёлғон ёки безакли ҳақиқат туради. Ёшлар эса ўз ҳаётини бошқаларникига солиштириб, тушқунликка тушади, ўзини етарли даражада қадрламай қўяди.

Шу ўринда профессор Ювал Ҳарарининг ёзгани эсимга тушди: “суратда аёл соҳил бўйида ўз жуфти ҳалолининг қўлини ушлаб чиройли табассум қилиб туради. Фотоаппарат кўрсатолмайдиган жиҳатлар эса талайгина: балки аёл бир неча дақиқа аввал турмуш ўртоғи билан уришиб қолганини табассум билан яшираётгандир, балки субтропик давлатнинг денгиз овқатларидан ошқозони оғриб тургандир, эҳтимол шу саёҳат учун дўстларидан қарз олгандир ва балки саёҳатдан сўнг уни дам олиш кунларисиз ишлаб бериш масъулияти кутиб тургандир.

Фойдаланувчилар эса чиройли расмга маҳлиё бўлиб, ўз ҳаётида нега бунақа эмаслигидан сиқила бошлашади. Pew тадқиқот маркази ижтимоий тармоқларга қарамлик депрессия, ортиқча ташвишлианиш, ўзига бўлган ишончининг пасайиши каби ақлий-психологик асоратларга олиб келишини тасдиқлаган.

Бугун айниқса, ёшлар орасида бу муаммо янада жиддийроқ тус олган.

АСР ЭПИДЕМИЯСИ: ҲАММАМИЗ КАСАЛМИЗМИ?

XXI асрда инсоният яна бир эпидемия тўлкинига дуч келди. Бу номофобия касаллиги деб аталади. Оддий тилда айтганда, телефонга қарамлик, ундан айрилиб қолишдан қўрқув ҳисси пайдо

бор унга қараган бўлсак, эрталаб уйғонганда ҳам биринчи бўлиб унга юзланамиз.

Демак, бугун кўпчилик номофобия касаллигига йўлиққан. Номофобиянинг яна бир номи — адикофония деб аталмоқда. Бу ҳолатда инсон 24/7 вақт мобайнида телефонни ёнидан узоқлаштирмайди. Агар мобиль телефон йўқ бўлса, асабийлашади. Телефондан фойдаланиш — бу шунчаки эҳтиёж. Агар бундай вазиятда одамда унинг йўқлигидан стресс даражасида кайфият бўзилса, демак бу ерда гиёҳвандлик даражасидаги касаллик юзага келган. Мутахассислар бунни даволаш мумкин бўлган хасталиклардан ҳам хавотирлироқ эканини бот-бот такрорламоқда. Психологларнинг фикрича, номофобия гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликларга қарамлик билан тенгдир. Бунни қарангки, дунёнинг кўплаб давлатларида бу касалликни аниқлаш ва даволаш устида аллақачон ишлар олиб борилмоқда.

ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН ЎХШАШЛИК

Жанубий Корея олимлари смартфонга қарамликни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва игромания (мобиль ва компьютер ўйинларига қарамлик)га тенглаштиришди.

Экранин тинмай «айлантриш» (скроллинг) миядаги лаҳзали муқофотлаш зоналарини фаоллаштиради. Худди бошқа қарамликлардаги каби, «рақамли наркоманлар» телефонсиз қолишса уларини ёмон ҳис этиб, хавотирга тушишади. Сўнгги тадқиқотларга кўра, технологик қарамлик гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликларга қарамлик даражасида юқори хавфга олиб келади.

Бошқа одатларга қарамлик сингари интернетга қарамлик ҳам инсонда завқланиш ҳиссини берувчи дофамин ҳосил бўлиши билан кечади, шу сабабдан уни назоратга олиш жуда мушкул.

Гиёҳвандликда бўлгани каби бу

узлуксиз онлайн ҳолатда.

Гиёҳвандлик инсонни моддий заҳарлайди, рақамли қарамлик эса онгни эгаллайди. Ҳар иккисининг охири – инсон эркинлигининг йўқолишидир. Агар биз замонавий технологияларга хизмат қилсак, бу эркинлик эмас, замонавий қулликдир.

ТЕЛЕФОН ҲАЁТИМИЗДА БЎЛСИН, ЛЕКИН ҲАЁТИМИЗ ТЕЛЕФОН ИЧИДА БЎЛМАСИН

Бугунги болалар технологиялар билан жуда эрта танишмоқда. Ҳозирги болалар икки ёшга етмасдан қўлида планшет ушлаб “YouTube” томоша қилади. Ота-оналар учун бу гўёки тинчлантирувчи восита, ўзининг ҳам қўлоғи тинч. Аммо бу қўлайлик ортида катта хавф яширинган – бу боланинг экранга эрта боғланишидир.

- Тўғри, XXI аср ахборот технологиялари, инновациялар асри. Аммо ёшларимиз, ҳаттоки гўдақларимиз кўп вақтини телефон билан ўтказётгани уларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Болаларда илк ёшлариданоқ телефонга қарамлик жисмоний саломатликка ёмон таъсир этиши билан бирга, унинг руҳий ривожланишини кескин ўзгартириб юбориши мумкин, - дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова**. - Депутатлик фаолиятимга қадар кўп йиллар давомида тиббиёт тизимида фаолият юритган инсон сифатида айтишим мумкинки, смартфонлардан тез-тез ва кўп фойдаланадиган ўқувчиларда руҳий ва ҳатти-ҳаракатларнинг бузилиши билан боғлиқ белгилар кўп учрайди.

Айтайлик, бизга доимий ҳамроҳлик қилувчи телефонларнинг инсон саломатлиги учун зарарли томонлари мавжуд. Аввало, улар ўзидан хавфли электромагнит тўлкинлар чиқаради. Биз эса уни ухлаганимизда ҳам ёстиғимизнинг тагига ёки ёнимизга қўйиб ухлаймиз. Тўлкинлардан нурланишнинг зарари кичик ёшдаги болалар учун янада кучлироқ бўлиб, бу уларда кейинчалик иммунитетнинг пасайиши, асаб тизимида муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Америкалик тадбиркор, иختирочи ва бизнесмен, "Apple" корпорациясининг асосчиларидан бири Стив Жобс ўз вақтида фарзандларига гаджетлардан фойдаланишда бежиз чекловлар қўймаган. Ёки "Apple"нинг айна вақтдаги раҳбари Тим Кук жиянларига ижтимоий тармоқларда рўйхатга ўтишга рухсат бермаган.

Кўриш қобилияти пасайиши, семизлик, ҳолсизлик - бу телефон орқали келиб чиқадиган касалликларнинг бир қисми, холос. Қарамлик

қурбони нафақат кўзларимиз, балки миямиз ҳамдир. Энг қўрқинчли томони, ёшларнинг, боғча ёшидаги, мактаб ёшидаги болаларнинг мобиль қурилмалардан кўп фойдаланиши асаб тизимининг емирилиши билан бирга инсон исясида турли шишлар ва ўсимталар ҳосил бўлишига олиб келади.

Бола ҳаётининг илк уч йили унинг бош мия ривожини учун энг муҳим давр ҳисобланади. Бу пайтда у ҳаракат қилиш, юз ифодаларини, атрофдаги товуш ва сўзларга эътибор қаратиш, ўз хис-туйғуларини тушуниш ва бошқаришни ўрганади. Аммо экран бу табиий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.

Экранга эрта боғланиш болада нутқ ривожини секинлаштиради. Ижтимоий қўникмаларни пасайтиради. Ҳиссий бошқарувни заифлаштиради. Шунингдек, ҳаракатчанликни камайтиради. Бундан ташқари, болада диққат бўлиниши юзага келади.

Бир кунда камида 5 соат давомида телефондан фойдаланган бола атрофга бефарқ бўлиб қолади, ҳатто исмини айтиб қақирган одамга ҳам эътибор бермайди.

ШИФОКОР НИМА ДЕЙДИ?

- Гаджетлардан, компьютердан узоқ вақт давомида фойдаланишдан азият чекадиган асосий органлардан бири, бу албатта кўз. Экранга узоқ қараб туриш бутун танага, айниқса, кўзларга жиддий зарар келтиради. Болалар асосан телефон экранига яқин масофадан тикилиб ўйин ўйнайди, видео кўради. Бунда улар мижжа қоқишни унутади ва натижада кўз зўриқишни бошлайди. Биз экраннинг ёруғлиги тудфайли кўзларни зўриқтирамиз, бу кўриш даражасининг пасайишига сабаб бўлади, - дейди **офтальмолог Саидислом Тўраев**. - Бу эса кўз олмасининг ўсиб кетиши, кўриш қобилиятининг пасайиши, узоқни яхши кўра олмаслик (миопия), ғилайлик, кўзнинг сурункали ёшланиши ёки қизариши, кўз қуриб қолиш синдроми каби муаммоларга олиб келиши мумкин.

Айрим ўсири ёшидаги болалар тунда ухламасдан қоронғи хонада телефон кўришади. Бу энг катта хато. Бу ҳолатнинг ҳар кунги такрорланиши болада сурункали уйқусизлик, гормонлар бузилиши, диққатни бир жойга жамлай олмаслик ва ҳатто кўрликка олиб келиши мумкин.

Смартфонлардан қоронғуда фойдаланиш кўз ва бош мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Ундан ташқари, смартфонларга эгилиб қараш тананинг ҳолатига, хусусан, бўйин ва елка муаммоларига, умуртқа поғонасининг эгилиб қолишига сабаб бўлади. Миопия касаллигининг ҳозирда келиб чиқилишининг асосий сабабларидан бири қилиб экранга узоқ қараш кўрсатилади.

Яна бир гап. Тадқиқотлар уйқудан олдин мобиль телефондан фойдаланиш оқибатида уйқу учун масъул мелатонин ишлаб чиқарилиши издан чиқушини исботлаган.

ЕЧИМЛАР БОРМИ?

- Энг аввало, инсон ўз вақтини онгли равишда бошқара олиши керак. “Рақамли гигиена” деган тушунчани ҳаётимизга киритиш лозим. Кунлик фойдаланиш чегараларини белгилаш, реал ҳаётдаги мулоқотни кўпайтириш, кўпроқ китоб ўқиш бу самарали усуллардир, - дейди **социолог Феруза Аҳмедова**. - Бу борада ота-оналар, ўқитувчилар ва жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам муҳим роль ўйнайди. Болаларга кичик ёшидан бошлаб ахборот технологиялардан тўғри фойдаланишга ўргатиш зарур.

Масалан, кунлик экран вақтини назорат қилиш, мақсадсиз фойдаланишдан воз кечиш, ҳар кун камиди 1-2 соат телефонни ўчириб, “ақлий дам” олиш, реал суҳбат, спорт, китоб ўқишга устуворлик бериш керак, деб ўйлайман.

Виртуал дунё бу восита, лекин у мақсадга айланмаслиги керак. Инсон учун энг муҳим қадриятлар – вақт, соғлиқ, мулоқот, меҳр – буларнинг ҳеч бирини сунъий интеллект бера олмайди. Рақамли дунёда яшасак ҳам, реал ҳаётни унутмайлик. Ўзимизни ва яқинларимизни асрайлик!

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

МАРКАЗИЙ БАНК: БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДА

АҲОЛИ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ 9,5 ФОИЗГА ОШДИ

Марказий банк бошқаруви ййғилишида асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ҳақида МБ раиси Тимур Ишметов иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида ахборот берилди.



– Инфляциянинг пасайиши кутилганидан кўра секинроқ кечаётгани билан бир қаторда нархлар ошиши бўйича хатарлар сақланиб қолинмокда, – деди Т. Ишметов. – Йиллик умумий инфляция даражаси август ойида бироз пасайиб, 8,8 фоизни ташкил этди ва бу кўрсаткич йил бошидаги прогноздан юқори бўлди.

Озик-овқат ва хизматлар базавий инфляция кўрсаткичларининг юқорилиги иқтисодиётда истеъмол талаби фаол шаклланаётганини билдиради. Бу, хусусан, гўшт маҳсулотлари, ўсимлик ёғлари, транспорт хизматлари, умумий овқатланиш ва алоқа хизматлари нархларида намоён бўляпти. Шу билан бирга, ноозик-овқатлар гуруҳи инфляцияси йил бошидан барқарор шакланиб, август ойида йиллик 6,6 фоизни ташкил этди. Кийим-кечак, мебель, маиший товарлар ва электр жиҳозлари нархлари барқарорлашди.

Таъкидланганидек, биринчи ярим йилликда аҳоли реал даромадлари 9,5 фоизга ошди. Бу эса юқори иқтисодий фаоллик фониди келгуси ойларда ҳам ялпи талабни қўллаб-қувватловчи таъсирга эга бўлиб, инфляцияга нисбатан босим яратиши мумкин. Хусусан, 2025 йилнинг биринчи

ярим йиллигида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 273 триллион сўмга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 фоизга ўсган. Марказлашмаган инвестициялар 247 триллион сўмни (реал ўсиш – 6,6 фоиз), жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми – 8,5 миллиард долларни (37 фоиз ўсиш ёки 2,3 млрд доллар) ташкил этган.

Халқаро савдодаги чекловлар, глобал инфляциянинг пасайиши кутилганидан секин кечаётгани, жаҳонда озик-овқат маҳсулотлари нархи ошаётгани ҳамда асосий савдо ҳамкор давлатлардаги инфляция даражасининг таргет кўрсаткичларидан юқори шакллангани келгусида импорт инфляциясининг кучайишига олиб келиши мумкин. Ушбу шароитларда 2025 йил якунида инфляция даражаси 8,7 фоиз атрофида шаклланиши прогноз қилинмокда.

Матбуот анжуманида Марказий банк раиси журналистлар томонидан берилган саволларга қуйдагича жавоб берди.

– Республикамизда Аи-80 бензинидан воз кечилгани инфляцияга таъсир қиладими?

– Аслида ёқилғи

инфляция босими ва аҳоли кутилмаларининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмокда. Аи-80 бензинини ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиш Ўзбекистонда инфляцияга таъсир қилади.

Умуман олганда, инфляцияга оширувчи таъсир кўрсатадиган товарлар ва омиллар орасида бензин ҳам бор. Ўрта муддатли истикболда бу биз учун хавотирли йўналишлардан биридир.

– Марказий банк рақамли сўм ва стейблкоинларни жорий этишни кўриб чиқмокдами?

– Марказий банк ўзининг рақамли валютаси — рақамли сўм ва тижорат банклари томонидан чиқариладиган стейблкоинлар (барқарор нархга эга криптовалюталар)ни жорий этиш имкониятини ўрганапти. Ҳозирда икки йўналиш кўриб чиқилмокда.

Қўшимча сифатида айтишим мумкинки, Марказий банк Истикболли лойиҳалар агентлиги билан ҳамкорликда стейблкоинларни тўлов воситаси сифатида синовдан ўтказишни режалаштирмокда. Пилот натижасида аҳоли ва бизнеснинг рақамли валюталарга бўлган талаб даражаси баҳоланади. Шу билан бирга, дунё таърибаси кўрсатмокдаки, агар мамлакатда тўлов тизими яхши ривожланган бўлса, одамлар янги рақамли валюталарга унча қизиқмайди. Шунинг учун аввал синов ўтказамиз, кейин натижани кўраимиз.

– Сўмнинг долларга нисбатан алмашув курси сўнги ойлار ичида ноодатий мустаҳкамланганини қандай изоҳлайсиз?

– Миллий валютанизинг мустаҳкамланиш тенденцияси бир қатор омиллар натижасида юз бермокда.

Миллий валюта курси ички валюта бозорида жорий талаб ва таклиф асосида шаклланади. Марказий банк алмашув курси бўйича максади кўрсаткич

белгиламайди ва алмашув курси шаклланишига аралашмайди. Нисбатан қулай макроиктисодий шароитлар валюта бозоридаги жорий тенденцияларни шакллантирмокда. Қолаверса, миллий валюта йил бошидан бери 3–4 фоиз атрофида мустаҳкамланган ва бу тенденция бир қатор омиллар натижасида юз бермокда. Хусусан, 2025 йилда иқтисодиётда хорижий валюта таклифи сезиларли даражада юқори шаклланмокда.

Биринчи ярим йилликда олтинсиз экспорт қарийб 20 фоизга ошди, жами экспорт эса 20,4 миллиард долларни ташкил этиб, 37 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар, қарз инструментлари оқими сезиларли ошиши кузатилмокда.

Бундан ташқари, йил бошидан жаҳонда долларнинг бошқа валюталарга нисбатан 9-10 фоизга қадрсиланиши кузатилди.

– Ўтган саккиз ойда Ўзбекистонга хориждан қанча миқдорда пул ўтказмалари амалга оширилган?

– Январь-август ойларида Ўзбекистонга хориждан 12 миллиард доллардан ортиқ пул ўтказмалари амалга оширилди. Аҳолининг валюта олди-сотидисида 5,6 миллиард долларлик ижобий фарқ кузатилди. Йил бошидан буён амалга оширилган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 2024 йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоизга ўсган.

Пул ўтказмалари ҳажми март ойидан бошлаб ўсиш тенденциясини намоён қилган, август ойида эса бироз секинлашди.

Тўшумларнинг асосий қисми Россиядан, ЕИ, АҚШ ва Буюк Британиядан ўтказмалар ҳисобига тўғри келади. Осиёдан ўтказмаларнинг барқарор тенденцияси сақланиб қолинган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ



Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

Неъматнинг қадри у йўқолгандагина билинади.

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақлдири.

Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай, уядаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайдилар.

Миннат қилиш берилган эҳсонни йўққа чиқаради.

Ҳар бир кун учун ҳақ ва ҳақиқат ҳозир нарса.

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди.

Ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.

Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди.

Кўз билан кўрган эшитгандан афзалроқдир.

Тилларнинг турлича бўлишига сабаб – одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида бир-бирига эҳтиёж туғилишидир.

Ҳасад билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира қилиб юборади.

Ҳаддан ортиқ ғазаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган лутф обрўни кетказади.

Абу Райҳон Беруний



ЭЪЛОН
Тахририят балансидаги 2018 йилда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб ҳолатда бўлган “Malibu-2” русумли автомашина сотилади.
Тақлифлар ишчи комиссия томонидан 10 кун ичида қабул қилинади ва кўриб чиқилади.
Мурожаат учун телефон: 71 239-12-14

“ОЛОТ НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚИДИРУВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ” МЧЖ БОШҚАРУВ РАИСИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИ Тўғрисида ЭЪЛОН

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори ҳамда жамият ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” МЧЖ ижроия органи раҳбари лавозимига номзодларни саралаш бўйича танлов эълон қиладми.

1. Лавозим тавсифи (йўриқномаси):
— Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи ҳисобланади.
— Ишончномасиз жамият номидан иш кўради, шу жумладан, жамият манфаатларини ифода этади ва битимлар тузади.
— Жамиятнинг молиявий ва бошқа ҳужжатларини имзолайди.

— Банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларни очади, ўз ваколатлари доирасида жамият мулки ва молиявий маблағларини бошқаради.

— Йиллик ҳисобот, йиллик бухгалтерия баланси ва қатнашчилар ўртасида соф фойдани тақсимлашга оид таклифларни тайёрлайди ва қатнашчилар умумий ййғилишига тақдим этади, кўрсатиб ўтилган органларни кундалик молиявий ва ҳўжалик фаолияти тўғрисида хабардор қилиб туради, умумий ййғилиш қарорлари бажарилишини ташкил қиладми.

— Жамият ижрочи ходимларига раҳбарлик қиладми, жамият штатлар жадалини тасдиқлайди, ҳисоб юритилишини ташкил қиладми ҳамда жамият фаолияти тўғрисидаги бухгалтерлик ва статистик ҳисоботларнинг тузилишини ва уларнинг солиқ органларига, ижтимоий жамғармалар ва давлат статистика органларига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди.

— Уставага ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамият раҳбари сифатида бошқа ваколатларни амалга оширади.

2. Номзодларга қўйиладиган малака талаблар.

Номзодларнинг танловда иштирок этиши учун ягона иштирокчи (таъсисчи) томонидан қўйиладиган талаблар:

- Касбий (техник ёки муҳандис-иктисодий) таълимга эга олий маълумот.
- Мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш таърибаси борлиги.
- Давлат тилини билиши (бу талаб чет эллик менежерлар учун мажбурий эмас).
- Нефть ва газ саноати соҳаси корхонаси тизимида камида 5 йил фаолият олиб борганлиги.
- Нефть ва газ саноати соҳаси корхонасида ижроия органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган хизмат вазифаларини бажариш учун билим ва кўникмаларга эга бўлиши.
- Иқтисод соҳасидаги жиноятлар ёки

бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун судланган бўлмаслиги.

• Жамият қузатув кенгаши аъзолари ёки бошқарув раҳбарлари ва аъзоларига қариндошлик алоқаларининг йўқлиги.

• Тиббий ташкилотнинг тасдиқланган ҳулосаси ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган, деб тан олинган бўлмаслиги.

• Илгари ишлаган ҳўжалик юритиш субъектида банкротликка доир иш очилган пайтда ушбу ҳўжалик юритиш субъекти ижро органида фаолият юритмаган бўлиши.

• Ҳўжалик юритиш субъекти банкрот деб эътироф этилган тақдирда, суд томонидан банкрот деб топилган пайтдан бошлаб, мазкур ҳўжалик юритиш субъектининг ижро органи раҳбари ёки аъзоллигидан чиқиб кетганига камида уч йил ўтган бўлиши.

Номзодларга қўйиладиган умумий талаблар.

• Мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш.

• Раҳбарлик лавозимларида, шу жумладан, темирйўл, нефть, ва газ соҳасида Бошқарув раис/директор, Бошқарув раис/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар (бош муҳандис, бош механик, бош иқтисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқа.) тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса).

• Мазкур соҳада камида 5 йиллик таърибага эга бўлган шахслар.

• Иирик корхоналарни бошқариш бўйича муваффақиятли таърибаси мавжудлиги;

• Ўзи фаолият юритган ёки бошқарган корхоналарда бизнес стратегияси/барқарор ривожланиш/инвестицион лойиҳалар сиёсатини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш таърибаси.

• Ўзи фаолият юритган ёки бошқарган корхоналарда чуқур ўзгаришларни, замонавий корпоратив тизимини ва маданиятини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таърибаси.

3. Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар.

• Танловда қатнашишга розилиги, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаши ва танловда ғолиб бўлган тақдирда ишга ёллаш шартномасини тузишга розилиги билдирилган, ўз қўли билан ёзилган ариза.

• Маълумотнома-объективка (белгиланган шаклдаги).

• Меҳнат дафтарчаси нусхаси.

• Олий маълумот тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасининг ёки хорижда олий таълим олганлиги бакалавр дипломи ва/ёки магистр дипломи (мавжуд бўлса).

• Илмий унвон (фан номзоди, фан бўйича фалсафа доктори, фан доктори) ва илмий даражани (доцент, катта илмий ходим, профессор) тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса).

• Қўшимча олий маълумот олганлиги (иккинчи, учинчи) ҳақидаги диплом (мавжуд

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Olim RAYSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV